САНОҚУЛОВА Умида Намоз қизи
Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти
E-mail: farruxshod@.mail.ru

“МУКОШАФАТУ-Л-ҚУЛУБ” АСАРИДА МАЖОЗ

МАДЖАЗ В ПРОИЗВЕДЕНИИ “МУКОШАФАТУ-Л-КУЛУБ”

MADJAZ (METAPHOR) IN THE WORK “MUKOSHAFATU-L-QULUB”

Аннотация: *Араб балоғат илмининг уч асосий бўлимларидан бири илми баёндир. Унда бадиий воситалардан бири бўлган мажоз ва унинг моҳияти, мажоз англатган маънолар, унинг турлари ва балоғат илмидаги ўрни ҳақида сўз боради. Келтирилган назарий фикрлар Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Мукошафату-л-қулуб” асаридан олинган мисоллар ёрдамида таҳлил қилинади ва хулосалар чиқарилади.*

Таянч иборалар: *кўчим, мажоз, ҳақиқат, мураккаб мажоз, мажози муфрад, луғавий мажоз, истиора, мажози мурсал.*

Аннотация: *Одним из трех основных разделов арабской науки балягат является илми байан. В ней рассматривается метафора, называющееся маджазом, одно из художественных средств, и ее сущность, значения метафоры, ее виды и место в науке «илми байан». Анализируются приведенные теоретические идеи и делаются выводы на примерах из «Мукашафату-ль-кулуб» Абу Хамида аль-Газали.*

Ключевые слова: *перенос смысла, маджаз, правда, маджази мураккаб, маджази муфрад, маджази лугавий , истияра, маджази мурсал.*

Annotation: *One of the three main sections of the science of arabic balagat is the ilmi bayan. It discusses madjaz (metaphor), one of the artistic means, and its essence, the meanings of madjaz, its types, and its place in the science of balagat. The theoretical ideas are analyzed and conclusions are drawn using examples from Abu Hamid al-Ghazali's Mukashafatu-l-qulub.*

Keywords: *transfer of meaning, madjaz, truth, madjazi murakkab, madjazi mufrad, madjazi lugaviy, istiyara, madjazi mursal.*

КИРИШ

Сўз санъатидаги турли бадиий воситалар, бадиий санъатлар муаллиф ғоясини ўқувчига етказишда, нутқнинг таъсирли бўлишида, асарнинг бадииятини таъминлашда ўзига хос ўринга эга. Шундай воситалардан бири мажоздир. У баён илмининг асосий бадиий тасвир воситаларидан саналади. Мажоз нафақат балоғатда, балки тилшунослик, адабиётшунослик, таржимашунослик соҳаларида ҳам бирдек ўрганилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мажоз атамаси адабиёт, тилшунослик ва балоғатга оид илмий манбаларларда турлича изоҳланади. Масалан, “Адабиётшунослик луғати”да мажозга қуйидагича таъриф берилади: “Мажоз (ар. مجاز – кўчма маънодаги сўз) – 1) мумтоз адабиётшуносликда сўзни ўз маъносида эмас, бошқа бир кўчма маънода ишлатиш, кўчимнинг умумий номи; 2) ҳозирги адабиётшуносликда мажоз атамасини кўчим турларидан бири, яъни аллегория сифатида қўллаш кенгроқ оммалашган” [4:159-160]. Аммо ушбу таърифда атаманинг сўз сифатидаги маъноси ўз моҳиятидан узоқлашишини кузатишимиз мумкин. Боиси аслида مجاز (мажоз) сўзи араб тилидаги “جوز” ўзагидан олинган бўлиб, “киноя, кесатиқли, шамали (гап); образли ибора; истиора, киноя, мажоз, метафора” [1:120] деган маъноларни англатади.

Маъно кўчиши ҳодисасининг маҳсули замонавий тилшуносликда “кўчма маъно” деб юритилади. Маъно кўчишининг лексик-семантик ва метафорик-функционал хусусиятлари мажоз, истиорада ўз аксини топган. Мажоз маънони ифодалашда энг яхши баён усулларидан ҳисобланиб, у ақлий ва луғавий каби турларга бўлинади [5:159]. Мажознинг бу турлари ҳақида кейинроқ батафсил тўхталамиз. Филология фанлари

доктори Маъруфжон Йўлдошев сўзларнинг умуман кўчма маънода ишлатилишини “кўчим” номи остида беради. Тилшуносликка оид аксарият ишларда эса улар “троплар” атамаси остида бирлаштирилади [3:77]. Олим фикрича, кўчимлар “адабий асарнинг бадиий қимматини, ифодалилигини, экспрессивликни кучайтириш учун бир нарсанинг номини, белгисини иккинчисига кўчириш ёки сўзларнинг умуман кўчма маънода ишлатилишидир [7:236].

XV асрда яшаган эронлик машҳур адабиётшунос олим Атоуллоҳ Ҳусайний ўзининг “Бадойиъу-с-санойиъ” асарида мажозга қуйидагича таъриф берган: “Мажоз ҳақиқатнинг зиддидур. Ҳақиқат лафзни, ўз ясоғи, яъни нимани мўлжаллаб ясаган бўлсалар, ўшул маънода қўлламоқтин ибораттур. Мажоз лафзни ўз ясоғидин ўзга маънода ясоғу лафзу ўшул маъно орасиндағи бирор алоқаю муносабатқа асосланароқ қўлламоқтин ибораттур, ўз ясоғида тушунмакка мониъ бўлғучи жумладошин келтирмак шарти била” [2:219].

Араб балоғатшунос олимлари ўз асарларининг “Илми баён” бобида мажоз масаласига алоҳида тўхталиб, у ҳақидаги ўз фикрларини баён қилганлар. Мазкур бадиий тасвир воситаси хусусида гап кетганда, аввало, Абу Убайда Маъмар ибн ал-Мусанна ва унинг “Мажозу-л-Қуръон” асари тилга олинади. “Бу асар Қуръон маънолари ва ундаги баён услубларига бағишланган. Унда муаллиф оятларни бошқа шунга ўхшаш оятлар билан тафсир қилиш билан бир қаторда ҳадисларга ҳам таянган, шунингдек, баъзида шеърлар, ҳикматлар, мақолларни ҳам келтирган. Тўлиқ исми Абу Убайда Маъмар ибн ал-Мусанна ат-Тиймий ал-Басрий бўлган бу олим илк араб тилшуносларидан биридир. Табарий ўз “Тафсир”ида унинг асаридан фойдаланган [11]”.

Шунингдек, мисрлик олим Аҳмад Ҳошимий (1878-1943) нинг “Жавоҳиру-л-балоға” асарида мажозга қуйидагича таъриф берилган: المجاز هو اللفظ المستعمل في غير ما وضع له لعلاقة مع قرينة دالة علي عدم إرادة المعني الأصلي. والعلاقة بين المعني الحقيقي والمعني المجازي قد تكون المشابهة وقد تكون غيرها ، فإذا كانت المشابهة فهو استعارة ، وإلا فهو مجاز مرسل والقرينة قد تكون لفظية ، وقد تكون حالية [9:251] (яъни: *Мажоз бу – асл маънони ифодаламасликка далолат қилувчи қарина билан ўрнатилган алоқага зид қўйилган қўлланилган сўздир. Ҳақиқий маъно билан мажозий маъно ўртасидаги бу алоқа ўхшатиш ёки унинг акси бўлиши мумкин, агар ўхшатиш бўлса, у истиорадир, агар акси бўлса, мажози мурсал бўлади, қарина лафзий ва ҳолатга боғлиқ бўлиши мумкин*). Мисрлик адабиётшунос олим Абдуҳ Абдулазиз Қалқиланинг «ал-Балоғату-л-истилоҳия» асарида ҳақиқат ва мажоз тушунчаларига алоҳида тўхталиб ўтилган ва уларнинг фарқлари ажратиб кўрсатилган:الحقيقة والمجاز وصفان يتعاقبان علي الكلمة والجملة. فالمستعمل منهما طبق معناه في المعجم يسمي حقيقة لغوية. والمستعمل منهما خلاف معناه في المعجم يسمي مجازا لغويا [10:60] (яъни: *Ҳақиқат ва мажоз сўз ва жумлада бир-бирининг ортидан келувчи икки тавсифдир. Улардан бири луғатдаги маъносига мос келса, луғавий ҳақиқат дейилади, луғатдаги маъносига мувофиқ келмаса, луғавий мажоз дейилади*).

Юқоридаги мажозга берилган таърифлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, мажоз бу – асл воқеликка, ҳақиқатга муносиб келмайдиган сўз ва жумлалар воситасида бадиий санъат яратиш усулидир. Унда сўзнинг луғатда бериладиган маъносига мос бўлмаган бошқа бир маънони контекстда ифодалаб келиши кузатилади.

Аҳмад Ҳошимий фикрича, мажознинг тўрт тури мавжуд: وينقسم إلي أربعة أقسام : مجاز مفرد مرسل ، ومجاز مركب ، مجاز مفرد بالإستعارة ومجاز مركب مرسل بالإستعارة [9:251] (яъни: *Мажоз тўрт хил бўлади: мажози муфрад мурсал, истиорали мажози муфрад, мажози мураккаб мурсал, истиорали мажози мураккаб*). Уларнинг ҳар бири мазкур санъатни юзага чиқарувчи воситалар, уларнинг миқдори, қўллаш усули кабиларга кўра фарқланади.

“Мукошафату-л-қулуб” асарида мажознинг турли кўринишларини учратиш мумкин. Асарнинг “Ичкилик ичувчининг жазоси ҳақида” (في عقوبة شارب الخمر) номли тўқсон биринчи бобида майхўрликнинг оқибатлари, у инсонни бу дунёда хор ва шарманда қилувчи, охиратда дўзаҳий бўлишига сабаб бўлувчи жирканч иллат

эканлиги Қуръон оятлари, ҳадислар, саҳобалар ва олимларнинг сўзлари, мавзуга доир ибратли ҳикоятлар орқали очиб берилган. Унда Ғаззолий Имом Байҳақий номи билан танилган, тўлиқ исми Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али Абдуллоҳ ибн Мусо Байҳақий ал-Хусравжирдий (994-1066) бўлган машҳур фақиҳ ва муҳаддис олим ривоят қилган бир ҳадисни келтиради, унда ичкилик "أم الخبائث" (*ёмонликлар онаси*) деб аталган: وروي البيهقي عن ابن عمر رضي الله عنه أن رسول الله صلي الله عليه وسلم قال : اجتنبوا أم الخبائث [8:356] (яъни: *Ал-Байҳақий Ибн Умар (р.а.) дан ривоят қилади: Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: Ёмонликлар онасидан қочинглар*). Мазкур ҳадисда ичкиликка "ярамасликлар онаси" сифатини қўллаш орқали мажознинг гўзал кўриниши юзага келган, яъни "она фарзандини дунёга келтирганидек, ичкилик ҳам ёмонликларнинг "туғилиши"га, келиб чиқишига сабаб бўлади, шу сабабли ундан узоқ юр" деган ундов ўзига хос тарзда ифодаланган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, араб балоғатида мажознинг кўплаб турлари фарқланади. Улар мажозни юзага келтирган сўзларнинг миқдорига кўра фарқланади. "Агар бир неча лафз кўчма маънода ишлатилса, у **мураккаб мажоз** дейилади" [6:142]. Ушбу қоидага кўра, "ёмонликлар онаси" бирикмаси мажози мураккабга мисол бўла олади.

Асарнинг "Эрнинг хотиндаги ҳақлари" (في حق الزوج علي الزوجة) деб аталган тўқсон бешинчи бобида эрнинг ўз рафиқаси устидаги ҳақлари, хотиннинг бурч ва вазифалари, жаннатий, солиҳа ва фазилатли аёллар таърифи Қуръон оятлари, ҳадислар, солиҳ кишилар ҳаётидан лавҳалар ёритилган ҳикоятлар орқали очиб берилади. Унда Асмо ибн Хорижа Фазорийнинг ўз қизини турмушга бераётганида унга қилган насиҳатлари келтириб ўтилади: فكوني له أرضا يكن لك عمادا وكوني له مهادا يكن لك سماء ، [8:367] (яъни: *Унга (яъни эрингга) ер (тупроқ) бўлгин, у сенга осмон бўлсин. Сен унга тўшак бўлгин, у сенга устун бўлсин*). Мазкур жумлада *ер, осмон, бешик, устун* сўзлари ўз маъносида эмас, балки кўчма, яъни мажозий маънода қўлланган. Хотиннинг эри учун ер бўлиши деганда, ундан ўзини паст тутиши, унга итоат қилиши, ундан устун бўлишга уринмаслиги назарда тутилмоқда. Мана шу ҳолат ер бўлишга, яъни хокисор бўлишга ўхшатиляпти. Шунда эр ҳам хотинини ҳурмат қилиб, осмондек юксалади ва иккиси ер ва осмондек ажралмас жуфтликка айланадилар. Иккинчи жумладаги тўшак ва устун сўзлари ҳам кўчма маънода қўлланган. Бунда аёлнинг эри учун чарчаб-толиққанида ором оладиган гўшаси сингари бўлиши, эри эса у учун устун бўлиб, барча қийинчилик, оғирликларни ўзига олиб, аҳли аёлини ҳимоя қилиши кераклиги уқтириляпти. Мазкур мисолда сўзларнинг луғатда акс этадиган маъносидан ташқари кўчма маънода ишлатилиши мажознинг гўзал намунасини ҳосил қилган. Ушбу мисолдаги мажозни юзага келтирган бирликлар бир сўздан ташкил топган. Бу мажознинг мажози муфрад тури ҳисобланиб, у муайян лафзни бошқа маънода ишлатиш орқали юзага келтирилади [6:142].

Асмо ибн Хорижа Фазорийнинг насиҳатларида яна шундай дейилади: وحفظي أنفه وسمعه وعينه فلا يشمن منك إلا طيبا ، ولا يسمع إلا حسنا ، ولا ينظر إلا جميلا [8:367] (яъни: *Унинг бурнини, қулоғини ва кўзини асра, сендан фақат яхши ҳидлар таралсин, эринг сендан фақат яхши нарсаларни эшитсин, сени фақат чиройли ҳолатда кўрсин*). Мазкур мисолдаги *бурнини, қулоғини ва кўзини асра* жумласи ўз маъносида эмас, балки мажозий маънода келгани аниқ-равшан англашилиб турибди, чунки *асра* деганда, мазкур аъзоларни ташқи таъсирлардан асраш эмас, балки унинг бурнини асра деганда, ёмон ҳидларни ҳидлашига йўл қўйма, ўзинг ва уйингдан доимо ёқимли ҳидлар таралиб турсин, қулоғини асра деганда, сендан ёмон сўзлар эшитмасин, ҳамиша ширинсўз бўлгин, кўзини асра деганда, унга доимо гўзал кўринишда намоён бўлгин, деган маъно назарда тутилган.

Асарнинг "Дунё олимларининг жазоси ҳақида" (في عقوبة علماء الدنيا) деб номланган саксон тўртинчи бобида дунё кетидан қувадиган, шуҳрату мартаба учун илм ўрганган ёмон олимлар ва уларнинг у дунёда тортадиган жазолари ҳақида сўз боради. Унда Ғаззолий тўлиқ исми Абу Саид ал-Ҳасан ибн Ясор ал-

Басрий (642-728) бўлган илк ислом даврининг машҳур илоҳиётчи олими Ҳасан Басрийнинг ушбу сўзларидан иқтибос келтиради: عقوبة العلماء موت القلب، وموت القلب طلب الدنيا بعمل الآخرة [8:338] (яъни: *Олимларнинг жазоси қалбларининг ўлганидир. Қалбнинг ўлиши охират амаллари билан дунё талабида бўлишидир*). Мазкур жумладаги *ўлмоқ* сўзи кўчма маънода қўлланган айни ҳақиқат. Чунки ўлим аслида биологик ҳодиса бўлиб, у жисмга тааллуқлидир, яъни ҳаёт асоратлари қолмай, тананинг бежон бўлиши – ўлимдир. Бу ерда жисмнинг ўлими қалбнинг ўлишига қиёсланяпти, яъни олим қалбининг ўлими бу – унинг асл вазифаси (илм йўлида дин ва жамиятга хизмат қилиш, илмига амал қилиш, олимликка муносиб бўлиш, илмини ёйиш кабилар) ни унутиши ва дунёвий орзулар ва ишлар билан машғул бўлиб қолишидир. Кўриниб турганидек, ушбу жумлада ҳам мажознинг ўзига хос намунаси ҳосил қилинган.

Асарнинг ўттиз биринчи боби “Дунёни инкор қилиш ва уни маъқулламаслик ҳақида” (في ترك الدنيا وذمها) деб аталади. Унда муаллиф дунё ҳаётига ўч бўлмаслик, мол-дунё йиғиш, фарзанд кўпайтириш, ўйин-кулги, вақтичоғликка берилмаслик ва бошқа шу каби дунёвий ишлар ҳақида сўз юритади. Мазкур бобда ислом тарихида машҳур бўлган шахслардан бири Яҳё ибн Муознинг сўзлари келтирилган: الدنيا حانوت الشيطان فلا تسرق من حانوته شيئا فيجيء في طلبه فيأخذك [8:138]] (яъни: *Дунё шайтоннинг дўконидир, ундан бирон нарса ўғирламаки, шайтон унинг талабида олдингга келади ва сендан уни олади*). Мазкур жумлада дунёвий нарсалар шайтон дўконидаги буюмларга қиёсланяпти, уларга қизиққан киши шайтоннинг дўконидан бирон нарса ўғирлаган кабидир. Дўкон сўзи бу ерда кўчма маънода қўлланган ва мажозни юзага келтирган.

Мисрлик адабиётшунос олим Абдуҳ Абдулазиз Қалқиланинг «Ал-балоғату-л-истилааҳийя» асарида мажознинг икки тури ҳақида сўз боради: الحقيقة والمجاز وصفان يتعاقبان على الكلمة والجملة. فالمستعمل منهما طبق معناه في المعجم يسمي حقيقة لغوية. والمستعمل منهما خلاف معناه في المعجم يسمي مجازا لغويا. ولا بد في المجاز اللغوي من وجود علاقة بين المعني الأصلي والمعني الفرعي أي بين المعني الحقيقي والمعني المجازي. [10:60] (яъни: *Ҳақиқат ва мажоз сўз ва жумлада бир-бирининг ортидан келувчи икки тавсифдир. Улардан бири луғатдаги маъносига мос келса, луғавий ҳақиқат дейилади, луғатдаги маъносига мувофиқ келмаса, луғавий мажоз дейилади. Луғавий мажозда асосий маъно ва иккинчи даражали маъно ўртасида, яъни ҳақиқий маъно ва маъжозий маъно ўртасида алоқа бўлиши керак*). Мазкур қоидага кўра, юқорида келтирилган мисол (*шайтоннинг дўкони*) даги дўкон сўзи **луғавий мажоз**ни юзага келтирган. Боиси “дўкон” сўзи бу ерда кўчма маънода ишлатиляпти. Бунда дунёвий дўкон билан мажозий маънода назарда тутилаётган дўкон ўртасида ўхшашлик, боғлиқлик бор. Шайтоннинг дўкони дея таърифланаётган дунё ҳам барча нарса муҳайё бўлган дўконга ўхшайди, ундан инсон истаган нарсасини топиши мумкин.

Асарнинг “Ражаб ойининг фазилатлари ҳақида” (في فضائل رجب) деб номланган юзинчи бобида ҳижрий-қамарий йил ҳисоби бўйича еттинчи ой бўлмиш ражаб ойининг фазилатлари, бу ойда рўза тутишнинг афзаллиги ва мазкур ой билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ёритилган. Унда “ражаб” сўзига шундай изоҳ берилган: وقال أهل الإشارة : رجب ثلاثة أحرف راء وجيم وباء ؛ فالراء رحمة ، والجيم جرم العبد وجنايته ، والباء بر الله ، كأن الله تعالي يقول : أجعل جرم عبدي بين رحمتي وبري [8:378] (яъни: *Ишорат аҳли деди: Ражаб уч ҳарфдан иборатдир: ро, жим, ба. Ро – Аллоҳнинг раҳмати, жим – бандaнинг гуноҳи, ба – Аллоҳнинг яхшилигини англатади. Гўёки Аллоҳ, “бандамнинг гуноҳини раҳматим ва яхшилигим орасига оламан”, деяётгандай*). Бу ерда “ишорат аҳли” деганда тасаввуф вакиллари назарда тутиляпти. Мазкур ибора ҳам луғавий мажозга мисол бўла олади.

Асарнинг “Шайтоннинг макри ҳақида” (في مكر الشيطان) номли тўқсон еттинчи бобида шайтоннинг ҳийлалари, унинг доимо инсонни васваса қилишга ва тўғри йўлдан оздиришга уриниши ҳақида сўз юритилади. Бунда Ғаззолий шундай фикрни билдиради: فأهل التقوي لا يتعذر عليهم سد أبواب الشيطان وحفظها بالحراسة [8:370] (яъни: *Тақво аҳлига шайтоннинг эшикларини ёпиш ва*

ўз тақволарини яхшилаб ҳимоя қилиш қийин эмас). Мазкур жумладаги “шайтон эшиклари” мажозий маънода қўлланган ибора эканлиги ўз-ўзидан маълум. Бунда шайтоннинг инсонни васваса қилиш учун доимо очиқ турадиган эшиклари – йўлдан оздириш усуллари назарда тутилмоқда. Шу жиҳатдан *эшик* сўзи луғавий мажозни юзага келтирган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бир сўз ёки сўзлар гуруҳи (сўз бирикмаси, жумла) нинг ўз луғавий маъносидан бошқа маънода, яъни кўчма маънода келиши натижасида ҳосил бўладиган мажоз ўзига хос бадиий восита сифатида барча даврлар адабиётида фаол қўлланувчи услубга айланган. У муаллиф фикрини ўқигувчига ўзига хос усулда етказишга ёрдам беради ва фикрий ифоданинг охорлилигини таъминлаб туради. Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Мукошафату-л-қулуб” асарида мажознинг балоғат илмида тилга олинадиган мураккаб мажоз, мажози муфрад, айниқса, луғавий мажоз каби турларининг кўп қўлланганлиги асарнинг таъсир кучи ошишига, муаллиф мақсадининг рўёбга чиқишига, асарнинг бадиий-эстетик нуқтаи назардан пухта бўлишига асос бўлган. Уларни ўрганиш тадқиқотчиларга муаллиф маҳоратини кашф қилишда дастурул-амал вазифасини ўтайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ан-Наъим ул-кабир. Арабча-ўзбекча луғат. Тузувчилар: Носиров О., Юсупов М. ва б. – Наманган: Наманган, 2014. – 810 б.
2. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. Тарж. А.Рустамов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 400 б.
3. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007. – 124 б.
4. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – 400 б.
5. Рустамий С.А. Ўрта асрлар балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар. – Тошкент: Zilol buloq, 2019. – 240 б.
6. Шарифов З. Балоғат фани. Баён ва бадеъ илмлари. – Тошкент: Movarounnahr, – 296 б.
7. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 246 б.
8. أبو حامد الغزالي. مكاشفة القلوب. القاهرة. دار الحديث. تحقيق أحمد جاد. 4002. 614 ص.
9. أحمد الهاشمي. جواهر البلاغة في المعاني والبيان والبديع. المكتبة العصرية. صيدا – بيروت. 4002. 804 ص.
10. عبده عبد العزيز قلقيلة. البلاغة الاصطلاحية. القاهرة. 11. دار الفكر العربي. 2991. 193 ص.
12. https://ar.wikipedia.org/wiki/%D9%85%D8%AC%D8%A7%D8%B2_%D8%A7%D9%84%D9%82%D8%B1%D8%A2%D9%86